

## Футболкада намоз ўқиш ҳукми

05:00 / 09.01.2017 11248

Ёз ойларида одамлар енгил кийимларда намоз ўқишга ўтадилар. Ҳар хил енги, етаги калта кийимлар кийилади. Айрим намозхонлар сажда қилганларида орқаси, кети кўришиб, ҳатто кейинги сафда туриб, белининг ярми очилиб қолаётганини кўриш мумкин. Аслида, намоз кийими алоҳида, тоза, чиройли ва кўркем бўлиши керак. Аллоҳ таоло Қуръони каримда бундай марҳамат қилган:

دَجَسَمَلُّكَ دَنَعُ مُمْكَتَنِي زُؤُخَ مَدَا يَنَب آي

"Эй, Одам болалари! Ҳар бир масжид олдида зийнатларингизни олиб олинг!" (Аъроф, 31).

Мазкур ояти каримага кўра уламолар намозхонга сатри аврат лозимлиги, кийимлари озода ва кўркем бўлиши кераклигини таъкидлаганлар.

Шунинг учун ҳам ҳанафийлик мазҳабида бошланг, енги калта кўйлақда ёки ишкийимида намоз ўқишни макруҳ дейилган.

Енги калта кийимда ёки енглари тирсакларидан юқоригача йиғиштириб намоз ўқиш ҳақида мўътабар фикҳий манбаларда ҳукмлар келган. Мазҳабнинг энг мўътабар китобларидан бири бўлмиш «Муҳит»да келишича:

ف بكانملاء اعانوهركي اوناك مالسلل هيلع هلال لوسر باحصا ان اىور دقو  
ةولصلل

«Ривоят қилинишича, Жаноби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг асҳоби намозда елкаларини очиб ўқишларини макруҳ санар эдилар».

“Муҳити Бурҳоний”дан келтирилган ушбу хабарга кўра асҳоби киромлар намозда енгсиз кийимларда ёки енги йўқ кийимларда намоз ўқишни карих санаганлар. Агар саллани суннат деб билган салафи солиҳинлар ҳозирги футболкаларда бошланг намоз ўқиладганини кўрганларида нима қилардилар?!

Мутааххирийн уламоларнинг улуғларидан Ҳасан аш-Шурунбулолий (р.ҳ.) ёзадилар:

ريدق لالحت فل اى ف امك ءمك ري مشت بوثل ا ف ك اى ف ل خ دي و ح بل اى ف ل اق و  
هـمـك اع فار نو كـي ناب ءه ارك لال دي ق اى ل ص م لال ءى ن م و ء ص ال خ لال اى ف و قال طال ال هـر هـا ظ و  
ام هـن و د ام اى لال ام هـع فر ناك اذا هـركـي ال هـنا هـر هـا ظ و نـي ق فر م لال اى ل

«Баҳр»да айтган: «Кафф ус-савбга, яъни кийимни йиғиштиришга, тортишга енгини чизғаш ҳам киради. Чунончи, «Фатҳ ул-қадийр»да шундай дейилган. Ушбу қавлнинг зоҳири мутлақдир. (Яъни, хоҳ чизғасин, хоҳ кўтарсин ва хоҳ аслан йўқ бўлсин). «Хулоса» ва «Муниййат ул-мусоллий»да кароҳатни енгини иккала чиғаноғига кўтаришнинг бўлиши билан қайд қилган. Бу қавлнинг зоҳири шулки, қачон енглари чиғаноқларининг пастига кўтарилса, макруҳ бўлмайди». (Ҳасан ибн Имом аш-Шурунбулолий ал-Ҳанафий: «Фуниййа ҳошияту Дураар ал-ҳукком». Истанбул: «Ширкат ас-саҳҳофиййа», 1317 ҳ., 1-жузъ, 106-бет.)

«Сирожиййа»да енгларини тирсакларига кўтариб йиғиштириб намоз ўқиш макруҳлиги айтилган. Худди шунингдек, «Аттобиййа»да ҳам:

نـي ق فر م اى لال هـمـك اع فر ي نا هـركـي و

«Икки енгини тирсакларига кўтариб ўқиш макруҳ бўлади», дейилган.

Ҳанафий мазҳаби уламоларининг енгни чизғаб ўқиш ёки енгсиз кийимда намоз ўқишнинг макруҳ дейишларига ҳадиси шарифлардан далолатан ва ишоратан далиллар мавжуддир, албатта. Чунончи, “ал-Ҳидоя”нинг машҳур шарҳи “Фатҳ ал-қадир”да бунга далил сифатида келтирган ҳадиси шарифни зикр қилиш мумкин: Имом Абу Довуд Ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда бундай дейилади:

ابو ثالو ارعش فكي الو مطع ا ءع بس اى ل ع د ج سـي نا مـكـي بن رم

«Пайғамбарингиз еттита суякли аъзонгиз (икки оёқ, икки тизза, икки кафт ва пешона) ила сажда қилмоқликни буюрдилар. Сочингизни ва тўнингизни йиғиштиришдан эса қайтардилар».

Ушбу маънодаги ҳадиси шарифларни олтита саҳиҳ тўпламдан ҳам топиш мумкин. Ҳанафий мазҳаби уламолари иттифоқ қилиб, енгни шимариб намоз ўқишни ушбу ҳадисда наҳий қилинган ҳолатга киритдилар ва макруҳ бўлади, деб фатво бердилар.

Ҳар бир инсон намоз ўқишни ният қилар экан, масжидга келишни ният қилар экан, ўзига қараб олиши керак. Ресторан ва тўйларга тўғри келган кийим билан борилавермайди-ку?! Намоз мўъминнинг меърожи, масжидда

Ўтириш Аллоҳга меҳмон бўлиш демакдир! Демак, мақоламиз юқорисидаги ояти карима ҳукмига кўра чиройли ва кўркам кийимларда, ҳеч бўлмаганда ресторан ва тўйларга борадиган кийимларда масжидга келмоқ ва жамоатда намоз ўқиш лозимдир. Бунинг учун ихлос, ҳафсала ва уйдаги аёлларимизни огоҳлантириб қўйишимиз кифоя қилса керак. Яна билмадим....

Валлоҳу аълам бис-саваб!

Ҳамидуллоҳ Беруний